# ҲУКУМАТЛАРАРО КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Мамлакатларимиз ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми мунтазам ошмоқда. 2012 йили ушбу кўрсаткич 2011 йилга нисбатан 32,3 фоиз кўп – 77,5 миллион, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида эса 77,8 миллион АҚШ долларини ташкил қилди. Ўзбекистонда Чехия сармояси иштирокида йигирмага яқин қўшма корхона фаолият кўрсатаётир. Улар озиқ-овқат ва гўшт-сут маҳсулотлари, кийим-кечак, қурилиш материаллари, дори-дармон ишлаб чиқариш ва қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш каби соҳаларда иш юритади.

Ҳукуматлараро комиссия мажлисида Чехия делегацияси Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётни ривожлантириш йўлида изчиллик билан олиб борилаётган ислоҳотлар натижалари, «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонаси ва «Ангрен» махсус индустриал зонасида сармоядорлар учун яратилган қулай имкониятлар билан таништирилди.

Чехия Республикаси саноат ва савдо вазирининг ўринбосари, комиссия ҳамраиси Милан Говорка Чехия Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдори эканини алоҳида таъкидлади.

– VII Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржасида иштирок этиб, Ўзбекистон улкан иқтисодий ва интеллектуал салоҳиятга эга эканига яна бир бор амин бўлдим, – деди Милан Говорка. – Ўзбекистонда макроиқтисодий барқарорлик сақланиб тургани, ишлаб чиқариш юксалаётгани, хорижий инвестициялар муттасил жалб этилаётгани, экспорт кўрсаткичлари ошаётгани эътиборга сазовор. Европадаги кўплаб мамлакатлар сўнгги йилларда Ўзбекистон эришаётган барқарор иқтисодий ўсиш суръатига эриша олгани йўқ. Мамлакатингизда олиб борилаётган хусусийлаштириш жараёни, иқтисодиётда изчиллик билан амалга оширилаётган ислоҳотлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш борасидаги ютуқларга ҳавас қилса арзийди. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликда иш юритиш учун яратилган қулай муҳит ва имтиёзлар кўплаб давлатлар қатори Чехия ишбилармонларининг ҳам мамлакатингиз билан ҳамкорлик қилишга қизиқишини кучайтирмоқда.

Мажлисда икки мамлакат ўртасида савдо-иқтисодий, саноат ва илмий-техникавий ҳамкорликни янада ривожлантиришнинг истиқболли йўналишлари ҳақида фикр юритилди. Савдо, сайёҳлик, қишлоқ ва сув хўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, машинасозлик, фан ва техника каби соҳалардаги алоқаларни янада кенгайтириш, қўшма корхоналар сони ва ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини кўпайтириш, биргаликда истиқболли лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди.

**Шу куни Ўзбекистон ва Чехия ишбилармон доираларининг бизнес-форуми бўлиб ўтди. Унда икки мамлакатнинг иқтисодий салоҳияти, мавжуд имкониятларидан янада кенгроқ фойдаланиш юзасидан фикр алмашилди.**

**Нодира МАНЗУРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Тошкент шаҳар ҳокимлигида

# УСТУВОР ВАЗИФАЛАР ИЖРОСИ ЙЎЛИДА

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Шунингдек, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 112,5 фоиз, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш 110,3 фоиз, пудрат қурилиш ишлари 110,2 фоиз, чакана савдо айланмаси 109,8 фоиз, жами хизматлар 112,0 фоиз, жами экспортлар ҳажми эса 130,4 фоиз ортиғи билан бажарилишига эришилган.

Ялпи ҳудудий маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг улуши 57,1 фоизни, хизматлар соҳасининг улуши эса 55,9 фоизни ташкил этди.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил якунларига бағишланган йиғилишида Юртбошимиз томонидан тармоқлар ва ҳудудларни ривожлантиришнинг мустаҳкам ўзаро боғлиқлигини таъминлаш, фойдаланилмаётган заҳиралар ва ишлаб чиқариш қувватлари имкониятларидан келиб чиққан ҳолда ҳудудларни комплекс ривожлантириш, шу асосда аҳолининг, айниқса ёшларнинг бандлигини таъминлаш чораларини кўриш лозимлиги алоҳида белгилаб берилган эди.

Мазкур топшириқлардан келиб чиқиб, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, кам қувватли, иқтисодий ночор, фаолият кўрсатмаётган корхоналар ва бўш бино-иншоотларга инвестициялар киритиш бўйича «2013-2015 йилларда Тошкент шаҳрини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш дастури» ишлаб чиқилиб, изчил амалга татбиқ этиб келинмоқда.

Шунингдек, коммунал хўжалигидаги ислоҳотларни чуқурлаштириш масаласига катта эътибор берилиб, коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида белгиланган режаларни тўлиқ бажарилишини таъминлаш юзасидан барча имкониятлар сафарбар этилмоқда. Хусусан, кўп қаватли уйларнинг иссиқлик тизимларини босим остида ювиш ҳамда иссиқлик бўғинларини профилактик таъмирлаш ишлари тўлиқ якунланганлиги таъкидланди.

Бундан ташқари, ижтимоий соҳа муассасаларида иссиқлик бўғинларини профилактик таъмирлаш, торайтирувчи мосламалар ўрнатиш, иссиқлик қозонхоналарини иситиш мавсумига тайёрлаш, том қисмларини таъмирлаш ва бошқа белгиланган тадбирлар тўлиқ бажарилганлиги қайд этиб ўтилди.

Маълумки, амалга оширилаётган ислоҳотларнинг асосий мақсадларидан бири бу янги иш ўринлари ташкил этиш, аҳоли бандлигини таъминлаш ва ҳаёт даражасини янада яхшилашдан иборатдир.

Иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлашга йўналтирилган дастурлар ва тадбирлар доирасида янги иш ўринлари яратилиб, белгиланган мақсадли кўрсаткичлар 108,1 фоизга, тасдиқланган «Бандлик дастури» доирасида эса белгиланган режа кўрсаткичлари 101,1 фоизга бажарилган. Бу борада касб-ҳунар коллежларини тамомлаган битирувчиларнинг бандлигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди.

Шу билан бир қаторда, «Обод турмуш йили» Давлат дастури ижроси юзасидан муайян ишлар амалга оширилиб келинаётганлиги, жумладан, ҳудудий дастур доирасидаги ишлар кўлами ҳар томонлама кўриб чиқилди.

Йиғилишда кун тартибидаги масалалар бўйича Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари Б.Раҳмонов, Тошкент шаҳар ҳокимининг ўринбосари Ф.Зияев, Иқтисодиёт бош бошқармаси бошлиғи С.Насретдинов, Марказий банк Тошкент шаҳар бош бошқармаси бошлиғи У.Баҳодиров, Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи И.Нусуров, Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо бошқармаси бошлиғи У.Саматов, «Тошкентшаҳаргаз» унитар корхонаси филиали бошлиғи К.Усмонов, «Тошкент электр тармоқлари корхонаси» директори М.Икромов, «Маҳалла» хайрия жамоат фондининг Тошкент шаҳар бўлими раиси Ж.Иноғомов ҳамда туман ҳокимларининг ҳисоботлари тингланди.

Фаоллар йиғилишида эришилган натижалар билан бир қаторда мавжуд муаммо ва камчиликларга чуқур танқидий-таҳлилий ёндошилиб, уларни бартараф этиш бўйича тегишли чора-тадбирлар белгиланди.

Тошкент шаҳар фаоллар йиғилишида Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёт вазири Г.Саидова иштирок этди.



*Замонавий анжомлар билан жиҳозланган маънавият ва маърифат марказида ёшлар учун барча қулайликлар яратилган*

# ҚИЗИҚАРЛИ ТАҚДИМОТ ВА ФОЙДАЛИ КЕЛИШУВЛАР

*(Давоми. Боши 1-бетда)*

Қурилиш саноати мамлакатимиз иқтисодиётининг истиқболли тармоқларидан бири. Бугунги кунда ушбу соҳага янги технологиялар, инновацион ечимлар, ишлаб чиқаришни ташкил этишнинг замонавий усуллари кенг жорий этилмоқда. Мамлакатимизда қурилиш материаллари тармоғини жадал ривожлантиришда «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компаниясининг ўрни катта. Диверсификация даражасини юксалтириш, қурилиш ашёлари турларини кенгайтириш, юқори сифат ва инновацион хусусиятларга эга қурилиш материаллари экспортини таъминлаш ва ички бозорни тўлдириш компаниянинг муҳим вазифаларидан. Ўз тизимида 100 дан ортиқ корхонани бирлаштирган ушбу компания томонидан 2012 йилда 1506,1 миллиард сўм қийматидаги саноат маҳсулотлари ва 157,6 миллиард сўмлик халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқарилди. 2012 йилда умумий экспорт ҳажми қарийб 64,1 миллион долларни ташкил этди.

– Корхонамиз, беш йилдирки, истеъмолчиларни сифатли қурилиш материаллари – гипсокартон панеллар ва гипс-қурилиш материаллари билан таъминлаб келмоқда, – дейди Навоий вилоятидаги «Кармана Гипс маҳсулотлари» Ўзбекистон – Канада қўшма корхонаси бош менежери Юрий Ильин. – «GipArt» бренди остида ишлаб чиқарилаётган юқори сифатли, ташқи таъсирларга бардошли ва экологик тоза маҳсулотларимиз мижозларга манзур бўлмоқда. Маҳсулотларимизни хорижга ҳам экспорт қиляпмиз. Мазкур ярмарка ва биржа турдош корхоналар билан янада яқин алоқа ўрнатиб, янги шериклар топиш имконини бермоқда. Ўтган йили 1,5 миллион АҚШ доллари ва қарийб 100 миллион сўм миқдоридаги ўнга яқин шартнома имзолаган эдик. Бу йил ушбу кўрсаткични янада оширишни ният қилганмиз.

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айниқса, тадбиркорларнинг экспорт салоҳиятини янада кенгайтириш, уларга замонавий, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва уни экспортга чиқаришда зарур ҳуқуқий, молиявий ва ташкилий ёрдам кўрсатиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бераётир.

– Алюминий, пластмасса профиллари ва аксессуарлари ишлаб чиқарамиз,– дейди «Horizon Invest Group» компанияси директори Адҳам Ҳабибов. – 2011 йили иш бошлаган компаниямиз «Akfa» бренди остида ишлаб чиқариладиган маҳсулотларни аҳолига ва ишлаб чиқариш цехларига етказиб беради. Ярмаркада корхонамиз томонидан ишлаб чиқариладиган биметалл, алюминий авангард туридаги радиаторлар, шунингдек, янги маҳсулот – «Термо» алюминий тизимини намойиш этяпмиз. Маҳсулотларимизга қўшни мамлакатларда ҳам талаб юқори. Бу йил корхонада ишлаб чиқариш ҳажми 2012 йилга нисбатан қарийб 35 фоиз ўсди.

Иқтисодиётимизда амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар хорижий сармоядорлар билан ҳамкорликни янада кенгайтириш учун пухта замин яратмоқда. Юртимизда жадал давом этаётган кенг кўламли хусусийлаштириш жараёни хорижлик инвесторларнинг мамлакатимизга сармоя киритишга, икки томонлама ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга қизиқишини тобора оширмоқда.

– Халқаро саноат ярмаркаси ва кооперация биржаси юксак савияда ташкил этилган, – дейди «Nirvikar Impex» компанияси бош директори Шекхар Томар (Ҳиндистон). – Ярмаркада иштирок этаётган кўплаб фирма ва компаниялар вакиллари билан яқиндан танишиб, Ўзбекистонда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар сифати ҳеч бир давлатникидан қолишмаслигига амин бўлдим. Бундай йирик халқаро анжуманларнинг тез-тез ўтказилиши хорижда юртингизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларга талаб тобора ошиб, чет эллик ишбилармонларнинг мамлакатингиз билан ҳамкорликка бўлган қизиқиши кучайиб бораётганидан далолатдир. Ярмаркада «Ўзбекчармпойабзали» уюшмаси билан ўзаро манфаатли музокаралар олиб боряпмиз.

– Ушбу ярмарка ва биржа Ўзбекистон иқтисодиётининг барқарор ривожланаётгани, мамлакатингизда саноатчилар ва тадбиркорларнинг фаол иш юритиши учун яратилган улкан қулайликлардан далолатдир, – дейди «Harbour Zone Limited» компанияси директори Сан Яо (Хитой). – Бу тадбир ишбилармонлар билан фойдали мулоқотлар ўтказиб, ҳамкорликда ўзаро манфаатли лойиҳалар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, бизнес шартномалари тузиш учун кенг имконият яратади. Ўзбекистонда саноатнинг кўплаб соҳаларида фаолият юритувчи корхоналар билан шериклик алоқаларини ўрнатиш ва мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Халқаро саноат ярмаркаси ва Кооперация биржаси ишчанлик руҳида ўтмоқда. Фойдали учрашув ва мулоқотлар ўтказилиб, шартномалар имзоланмоқда.

**Ирода УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири**

## Ҳуқуқ, бурч ва масъулият

# БАРЧА КОММУНАЛ ХИЗМАТЛАР, УЙ-ЖОЙ, МУЛК ВА ИЖАРА ТЎҒРИСИДА

# 14. «ТОШШАҲАРГАЗ» ФИЛИАЛИ ТОМОНИДАН АҲОЛИГА ПУЛЛИК ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТАРТИБИ БЎЙИЧА НИМАЛАРНИ БИЛМОҚ ЛОЗИМ?

*Табиий газ: зангори оловни тежанг бу бизнинг миллий бойлигимиздир.*

**1.«Тошкентшаҳаргаз» филиали фаолиятининг асосий вазифалари қуйидагилардан иборат:**

- «Тошкентшаҳаргаз» филиали тасарруфидаги тумангаз хизматлари Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоятининг айрим туманлари истеъмолчиларини табиий газ билан узлуксиз ва хавфсиз таъминлаш;
- табиий газдан фойдаланиш хавфсизлигини таъминлаган ҳолда «Тошкентшаҳаргаз» филиали тасарруфидаги тумангаз хизматлари табиий газ қурилмаларидан фойдаланиш ва уларни таъминлаш бўйича хизмат кўрсатиш;
- аҳолига коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида ҳамкорликни ривожлантириш ва такомиллаштириш;
- газ тармоқларидан хавфсиз фойдаланиш қоидалари талабларига риоя қилиш, газ таъминоти объектларини авариясиз эксплуатация қилиш шароитларини яратиш;
- амалдаги нормалар ва қоидаларга мувофиқ барча газ таъминоти тизимларининг ишга яроқли ҳолатда бўлишини таъминлаш;
- қабул қилинаётган ва сотилаётган газ ҳажмларининг қатъий ҳисобини юритиш;
- истеъмолчиларга газ ҳисоблагичларни шартнома асосида ўрнатиб бериш, газ ҳисоблагич кўрсаткичларини нотўғри кўрсатаётган шахсларни, шу жумладан ўз ходимлари орасидаги шундай кишиларни аниқлаш, уларга нисбатан қонунчиликда кўзда тутилган жавобгарлик чоралари кўриш;
- истеъмолчиларга газ ҳисоблагичлардан фойдаланиш бўйича тушунтириш ишларини ташкиллаштириш ва амалга ошириш, маънавий эскирган газ ҳисоблагичларни янги модификациядаги газ ҳисоблагичларга алмаштириш.

**2.Таъминотчининг ҳуқуқи, мажбуриятлари ва жавобгарлиги:**

- Табиий газ етказиб беришда таъминотчи ва истеъмолчи ўртасида шартнома тузилади ҳамда унинг амалга оширилишини назорат қилади;
- шартнома талаблари истеъмолчи томонидан бажарилмаганда, унга нисбатан тегишли ҳужжатлар тайёрланиб, тумангаз раҳбарига тақдим этилади;
- табиий газ сарфини ҳисоблаш приборининг кўрсатишига асосан истеъмолчига етказиб берилган газ бўйича ҳар ойда далолатнома тузади;
- етказиб берилган табиий газ учун далолатнома тайёрлашда газ тармоғига ўзбошимча уланиш ҳолатларининг мавжудлигига, табиий газ истеъмол қилувчи жиҳозлардан тадбиркорлик фаолияти мақсадида фойдаланиш ҳолатларининг мавжудлиги ўрганиб чиқилади;
- истеъмолчиларга ҳисоблаб чиқарилган табиий газ ва етказиб берилган табиий газ учун истеъмолчилар томонидан амалга оширилган тўловларни ҳар ойда таққослаб борилади;
- фойдаланилган табиий газ учун дебитор қарздорликка эга ва бунинг учун газтаъминоти тизимидан ўчирилиши керак бўлган истеъмолчилар рўйхати тузиб борилади;
- истеъмолчи газтаъминоти тармоғига ўзбошимча равишда уланиб олганлигини аниқласа, ностандарт газ жиҳозидан фойдаланганлиги тўғрисида далолатнома тузади ва тааллуқлилиги юзасидан жиноят ишлари бўйича тегишли судларга юборилади;
- фойдаланилган табиий газ учун тўловларни ўз вақтида амалга оширмаган ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини бузган истеъмолчиларни тумангаз фойдаланиш хизмати усталари билан биргаликда газтаъминоти тармоғидан ўчиради;
- истеъмолчига кўрсатилаётган хизматлар сифати бузилган ҳолларда, ўз вақтида олдини олиш ва бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширади;
- таъминотчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилиги ва шартномага мувофиқ сифатли хизмат кўрсатиш учун жавобгардир.

**3.Истеъмолчиларнинг ҳуқуқлари:**

- истеъмолчининг ҳаёти ва соғлиғи учун хавфсиз ва мулкига зарар келтирмайдиган сифатли, белгиланган ҳажмдаги хизматлардан фойдаланиш;
- Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигига мувофиқ таъминотчи томонидан кўрсатилган қониқарсиз хизматлар учун истеъмолчи ҳаёти, соғлиғи ва мулкига, шунингдек, унга етказилган барча маънавий ҳамда моддий зарарларнинг қопланишини талаб қилиш;
- табиий газ етказиб бериш давридаги шартнома белгиланган, яъни етказиб берилмаган маҳсулот учун тўловларни амалга оширмаслик;
- табиий газ етказиб бериш даврида аниқланган камчиликларни бартараф этишни шартномада белгиланган муддатларда ижро қилиниши ва сифатли бажарилишини талаб қилиш;
- «Истеъмолчи» яшаш жойидаги газ таъминоти ташкилотидан шартнома бўйича олинган мажбуриятларни керакли даражада талаб қилиш;
- «Истеъмолчи» томонидан таъминотчининг ҳар қандай ноқонуний хатти-ҳаракатлари аниқланган тақдирда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилигида белгиланган тартибда давлат ва суд ҳимоясидан фойдаланиш.

**4.Истеъмолчининг мажбуриятлари:**

- кўрсатилган хизматлар учун шартномада белгиланган муддатда тўловларни амалга ошириш;
- табиий газдан оқилона ва мақсадли фойдаланиш;
- шартномада белгиланган хизматлардан фойдаланиш тартиб-қоидаларини бузадиган хатти-ҳаракатларга йўл қўймаслик;
- истеъмолчи газ асбобларини газтаъминоти тармоғига улашни газ билан таъминловчи ташкилотнинг розилиги ва рухсати билан амалга ошириш;
- «Таъминотчи» ходими газ асбоблари ва газ ҳисоблагич приборларини текшириш учун келганида ҳеч қандай тўсқинликсиз киритиши;
- фойдаланилган газ ҳақини белгиланган нархлар (тарифлар) бўйича ойма-ой, келгуси ойнинг биринчи кунидан ўнинчи кунигача тўлаб бориш;
- газ ҳисоблагич прибори бузилса, пломбаси узилса ёки тўғри ишлаши бўйича шубҳа туғдирувчи ҳолатлар юзага келса ва кўрик муддати келса бир кун ичида «Таъминотчи»га хабар бериш;
- оила аъзоларининг таркиби ўзгарганида (туғилиш, ўлим, ҳарбий хизматга сафарбарлик ва ҳ.к.) ёки оила аъзоларидан бирон-бир киши узоқ муддат оилада бўлмаганида бир ой муддат ичида газ билан таъминловчи корхонанинг ҳисоб-китоб бўлимини хабардор қилиш, яшаш жойи ўзгарганида эса газ тармоғидан ўчириш учун ёзма равишда ариза тақдим қилиш.

| | |
|---|---|
| **Тошкент шаҳар ҳокимлиги** | тел.: 239-05-52. |
| **Тошкент шаҳар прокуратураси** | тел.: 1007, 271-12-26. |
| **«Тошкентшаҳаргаз»** | тел.: 253-64-26, 255-44-27, 150-31-09. |

**Музаффар ХОДЖАЕВ,**
**Тошкент шаҳар прокуратурасининг бўлим бошлиғи**

